

НОРМА МАСЛАХАТЧИ


ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Эскирган ускуналар янгилари билан алмаштирилади

Президентнинг 22.12.2016 йилдаги ПҚ-2692-сон қарори билан Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар маъқулланди.

Эскирган ускуна фойдаланишдан чиқарилади

Саноат тармоқлари корхоналари учун 2017—2020 йиллар даврида жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарни замонавий, жаҳон даражасида синовдан ўтганлари билан алмаштирган ҳолда уларни эксплуатациядан олиб ташлаш ва янгилаш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли параметрлари тасдиқланди.

Давлат мулки улушига эга бўлган тижорат банклари МБнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича эксплуатациядан чиқариб ташланувчи ускуна ва жиҳозлар ўрнига янгиларини харид қилишга 12 ойлик имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга узоқ муддатли кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Бунда техник аудит ўтказиш натижаларига кўра ҳисобдан чиқарилаётган ускуна ва жиҳозлар фақат

«Ўзметкомбинат» АЖ ва «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» АЖ бўлиналари қора ва рангли металл парчалари тарзида эркин шартномавий нархда мажбурий тартибда сотилиши, солиқ солишдан озод қилинган тушган маблағлар замонавий ускуналар харид қилишга мақсадли йўналтирилиши лозим.

Мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича, ушбу қарорга мувофиқ, жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган ускуналар ва жиҳозларни эксплуатациядан олиб ташлаш ҳамда янгилаш доирасида олиб келинадиган технологик ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2021 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларидан озод қилинади (божхона йиғимлари бундан мустасно).

Модернизациялашнинг беш йиллик режаси қабул қилинди

Шунингдек ҳужжат билан 2017—2021 йилларда саноат тармоқлари корхоналари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича мақсадли параметрлар тасдиқланди. Биринчи навбатда, жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган ас-

боб-ускуналарни тўлиқ модернизациялаш ва янгилаш, ишлаб чиқаришда энергия ресурслари истеъмолини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш, технология жараёнларини ва моддий-хом ашё ресурслари сарфланиши меъёрларини рационаллаштириш ҳисобига камайтириш, эксплуатация ва ноишлаб чиқариш сарф-харажатларини ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан қисқартирилади.

Тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжатлар доирасида технология жараёнларини рационаллаштириш ҳамда моддий-хом ашё ва энергия ресурсларини сарфлаш меъёрларини оптималлаштириш, бир йилга ҳисоблаганда эксплуатация ва қўшимча харажатларни камайтириш, ходимлар сонини оптималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг қисқариши натижасида маҳаллийлаштириш даражасининг пасайиши 2017—2021 йилларда Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурийн шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (21.07.2010 йилдаги 154-сон БМҚга 1-илова) талабларини бузиш ҳисобланмайд.

Маҳаллийлаштириш дастурига онлайн орқали лойиҳани киритиш мумкин

Президентнинг 26.12.2016 йилдаги ПҚ-2698-сон қарори билан 2017—2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тасдиқланди.

Дастур куйидаги рўйхатларни ўз ичига олади:

○ импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

ташкил қилишни назарда тутувчи ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати;

○ 2017—2019 йилларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этилаётган тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар рўйхати.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб маҳаллийлаштириш лойиҳаларини киритиш бўйича

таклифларни тақдим этиш, шунингдек маҳаллийлаштириш Дастурига тузатишлар киритиш Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайти базасида яратилган «Маҳаллийлаштириш паспортларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқишнинг автоматлаштирилган тизими» дастурий комплекси орқали электрон шаклда ҳам амалга оширилади.



Йилнинг стратегик режаси

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармон билан тасдиқланган) босқичма-босқич, йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Фармон билан 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.



ида ис сурати.

Ушбу
сонда:

2-БЕТ

Ҳайдовчига янги гувоҳнома

ХУМШ аъзоларининг намунали умумий йиғилиши

3-6-БЕТЛАР

Мулқдор томга соябон ўрнатмоқчи. Лекин унга рухсат тегмапти

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Маҳаллийлаштириш дастурига қўшимча равишда киритиладиган лойиҳалар, шунингдек муддатли узайтирила- диган лойиҳалар бундан бўён куйидаги **мезонларга** мувофиқ келиши керак:

○ Биринчи йил ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича камида 36%, иккинчи йили камида 45% ва учинчи йил камида 50% маҳаллийлаштириш даражасига эришиш. Машинасозлик ва металл қайта ишлаш маҳсулотлари учун эса тегишли равишда 36%, 40% ва 45%ни ташкил этади;

○ маҳаллийлаштирилган маҳсулот сотишдан тушган соф тушумда экспорт қилинган маҳсулотнинг

улуши иккинчи йили камида 20%ни ва учинчи йили камида 30%ни ташкил этиши лозим.

Кўрсатилган мезонлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 36% таъминлаётган республиканинг субвенция оладиган туманлари ва шаҳарларида амалга оширилаётган лойиҳаларга татбиқ қилинмайди.

Қарор билан тасдиқланган маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхатига киритилган ташкилотлар лойиҳалар экспертизадан ўтказилгандан кейин Махсус идоралараро комиссиянинг қарорига биноан 3 йил муддатга куйидагиларни тўлашдан озод қилинади:

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган,

республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик ускуна ва уларнинг эҳтиёт қисмларини, шунингдек компонентлар олиб қирганлик учун **божхона тўловлари** тўлашдан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қисмида **юримдик шахсларнинг фойда солиғи, ягона солиқ тўлови** (солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун) тўлашдан;

маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган асосий ишлаб чиқариш фондлари қисмида **мол-мулк солиғи** тўлашдан.

Ҳайдовчилик гувоҳномалари алмаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2.03.2017 йилдаги 116-сон қарори билан ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги шакли тасдиқланди.

Энди **миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари** пластик шаклда, оч пушти рангда бўлади (54 x 86 мм). У бир нечта ҳимоя воситаларига эга, серияли рақами 2 ҳарфли, номери 6 рақамли бўлади. Ҳужжатда лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади.

Автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада (54 x 86 мм ўлчамдаги кўк рангли ҳужжатда) автотототранспорт воситаси тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (русуми, модели, тури, кузов/шоссе рақами, тўла вази, юксиз вази, двигателнинг тоифаси ва қуввати, ёнилиги тури, ранги, ҳайдовчининг ўриниди билан биргаликда ўтириладиган ўринлар сони, тик туриладиган ўринлар сони, алоҳида белгилар) кўрсатилади.

Техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги талон тўртбурчак шаклидаги, ўлчамлари 54 x 86 мм бўлган зичлиги бир квадрат метрга 140±/±5 граммли 100%


пахтадан олинган қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган пахта чаногли кўринишидаги умумий сув белгиси мавжуд. Талонда ўтказилган техник кўрик натижаси, жорий ва навбатдаги техник кўрикдан ўтиш санаси кўрсатилади.

Жорий йилнинг 1 октябридан янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари ва автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар берили бошлайди.

Амалдаги ҳужжатларни янги намунадагиларига алмаштириш 2 босқичда амалга оширилади:

1.10.2017 йилдан 31.12.2018 йилгача — эски намунадаги миллий

ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — улар эгасининг ёзма аризасига кўра ихтиёрий равишда;



1.01.2019 йилдан 31.12.2020 йилгача — эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — мажбурий тартибда.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилган кундан бошлаб 10 йил муддатга берилади.

Автотранспорт рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш 2017—2020 йиллар мобайнида босқич-

ма-босқич, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда амалга оширилади.

Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони қандай аниқланади

Давлат статистика қўмитаси ва Меҳнат вазирлигининг қарори (**АВ томонидан 17.02.2017 йилда 2858-сон билан рўйхатдан ўтказилган**) билан **Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби** тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомда белгиланишича, тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони меҳнат шартномаси тузилган барча ходимларни, шунингдек

фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларни (бундан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлар бажарётган, хизматлар кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар мустасно) ўз ичига олади. Бунда унитар корхоналар, ваколатхоналар ва филиалларда (агар мавжуд бўлса) ишлаётган ходимларнинг сони ҳам ҳисоба олинади.

Ҳужжатда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган

ходимлар, ташқи ўриндошлар ва фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлаш формулалари ва ҳисоб-китобига оид шартли мисоллар келтирилган.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 20.02.2017 йилдаги 7-сонинда расман эълон қилинган кундан 3 ой ўтгач кучга киради.

Олег Заманов ва Сардор Жумаов, «Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 7 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари2613,05	1 Малайзия ринггити775,80
1 Англия фунт4240,46	1 Польша злотийси850,74
1 Дания кронаси492,48	1 СДР4648,32
1 БАА дирҳами939,94	1 Туркия лираси929,19
1 АҚШ доллари3452,30	1 Швейцария франки3423,89
1 Миср фунти211,80	1 ЕВРО3650,09
1 Исландия кронаси32,40	10 Жанубий Корея вони29,84
1 Канада доллари2577,12	10 Япония иенаси303,31
1 Хитой юани500,75	1 Россия рубли58,60
	1 Украина гривнаси127,30

*) Валюта қийматини белгилан чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	6.03.2017	1	1,7548	1	1,8604	1	0,0301
Арманистон	3.03.2017	1	486,82	1	511,94	1	8,29
Беларусь	6.03.2017	1	1,9141	1	2,0131	100	3,2505
Грузия	6.03.2017	1	2,4289	1	2,5581	100	4,1506
Қозғистон	6.03.2017	1	317,46	1	333,87	1	5,4
Қирғизистон	7.03.2017	1	69,2452	1	73,5799	1	1,1870
Молдова	6.03.2017	1	19,9134	1	20,9878	1	0,3384
Россия	7.03.2017	1	58,3370	1	61,8606	—	—
Тожикистон	6.03.2017	1	7,9982	1	8,4405	1	0,1354
Туркменистон	6.03.2017	1	3,5000	1	3,7170	100	6,0100
Украина	6.03.2017	100	2 711,9249	100	2 865,1487	10	4,6035

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

1-2-бетлар

• УСТУВОРЛИКЛАР

— Йилнинг стратегик режаси

1, 7-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Жорий йилда бизни нима кутмоқда?
- Мени томга қўйинг!
- Ҳаёт учун хавфли қарз

— «Зиёфат» кимнинг ҳисобидан?

— Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

— Биттаси ёзилган — бошқасини кўрадилар

3-6-бетлар

• ТАДҚИҚОТ

— Импорт ўрини босиш сари

8-бет

БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

- ✓ Жорий йилда бизни нима кутмоқда?
- ✓ Мени томга кўйинг!

- ✓ Ҳаёт учун хавфли қарз
- ✓ «Зиёфат» кимнинг ҳисобидан?
- ✓ Эҳтиёт бўлинг, фарибгар!
- ✓ Биттаси ёзилган – бошқасини кўрадилар



Соннинг бош мавзуси

Жорий йилда бизни нима кутмоқда?

«Берёза Коммунал Сервис» бошқарувчи компанияси (бундан кейин – «Берёза», БК) ўтган йилга яқун ясаб, 2017 йилги режаларни белгилади. Шуни қайд этиш лозимки, у буюртмачилари олдида нафақат ўтган йил учун, балки ҳар чоракда ҳам ҳисобот беради, аynи пайтда бошқарувчи компанияларнинг аксарияти бундай йул тутмайдилар ёхуд қогоздагина ҳисобот бериб қўя қоладилар.

Пойтахтимизнинг «Е» мавзесидаги 4 та бир уйли ХУМШга «Берёза» тўлиқ хизмат кўрсатади. Булар 4 та тўққиз қаватли уйлар бўлиб, уларда 344 хонадон бор. Бундан ташқари, яна 4 та ширкатга бухгалтерия ҳисобини юритиш хизматларини кўрсатади, лифтларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган. 115 та кўтаргич унинг қўл остида.

«Берёза» – Тошкентдаги илк бошқарувчи компаниялардан бири. 10 йилдан буён кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиш бозорига барқарор ишлаб келмоқда, пойтахтдаги энг яхши БКлар сирасига киради. Бу ерда доим қизиқарли тажрибага гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг базасида кўп қаватли турар жойларни бошқариш бўйича ахборот марказини ташкил этса бўлади. Шаҳар ҳамда республикадаги бошқа ХУМШ ва БКлардан турли саволлар билан бу ерга келадилар ва кўнғироқ қиладилар. Шу сабабдан йиллик йиғилишга бирон фойдали жиҳатни билиб олиш ниятида отландим, кутганларим амалга ошди.



«Новза» маҳалла қўмитаси раиси Мансур ака Сиддиқов, участка инспектори Ҳожиакбар Тожибоев, «Берёза Коммунал Сервис» БК директори Валентина Азимова.

*Тахририят ихтисофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

БК билан ХУМШ ўртасидаги муносабатлар қандай йўлга қўйилиши кераклигини кўпчилик аниқ тасаввур қилмайди. Бошқарув компания ширкатнинг ҳисобрақамини истаганича тасарруф қилади деб ҳисобланилар. Балки, шундай қилса ҳам бўлар, сабаби бизда муваффақият билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаётган профессионал БКлар саноқли. Томонларнинг муносабатлари шартнома асосига қўрилиши кераклигини эслатиб ўтмоқчимиз. Ширкат маблағлари ўз ҳисобрақамида бўлади. Уларни тўлақонли тасарруф этади, бажарилган ишлар далолатномасига кўра хизматлари учун БКга пул ўтказида. Бошқарув компаниянинг назорат қилади, компания ХУМШ олдида ҳисобот беради.

«Берёза» ошисида унинг тўлиқ хизмат кўрсатишида бўлган 4 та ширкат раиси, ишончномага кўра йиғилишда ХУМШ аъзоларининг вакили бўлган ишончли шахслар йиғилдилар. Йиғилишда «Новза» маҳалласи раиси Мансур ака Сиддиқов ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспектор Ҳожиакбар Тожибоев ҳам қатнашдилар. Улар ҳудудларнинг ободонлаштирилиши ва санитария ҳолати, фуқароларнинг бехатар яшashi, уларнинг кўп квартиралари уйларида ҳисобда туриши масалалари юзасидан ширкатлар ва БК билан баҳамжиҳат ишлайдилар.

«Берёза» бошчилигидаги тўртта тўққиз қаватли уй ўзаро яқин бўлиб, унинг офиси улардан бирида жойлашган. Уй аҳлининг омади чопган, БК билан ХУМШ муносабатлари ишонч, очик-ойдинлик, масъулиятга асосланган. Бугунги кунда уйларида барча устувор ишлар амалда бажариб бўлинган. Бу ерда серхаж таъмирлашга кредит олишдан чўчимайдилар. Улар депозит ҳисобрақамга ажратмалар ҳисобидан қопланади. Ҳар қандай савол юзата келганда фуқаролар кўпинча ХУМШга эмас, бошқарувчи компанияга мурожаат этадилар, у ҳар бир уй ҳўжалигидаги муаммолар билан яқиндан таниш бўлиб, уларни профессионал равишда ҳал этади.

Моҳиятан олганда, мен бошқарувчи компания ва ширкатларнинг бирлашган йиллик йиғилишига келдим. Утган сонда тилга олган унй ўтказиш тартиб-таомилларига тўхталиб ўтирмайман. Ҳужжатларнинг айрим позицияларини кўрсатиб ўтаман.

Утган йил охирида БК ишлар режалари, даромадлар ва харажатлар сметаларининг намунаги лойиҳаларини тайёрлаб, ширкатлар бошқарувларини улар билан таништирди. Шунга асосланиб мажбурий бадалнинг тахминий миқдорини белгиллаб, уни 15%га оширишнинг мақсадга мувофиқлиги борасидаги ҳисоб-китобларни ХУМШ кўриб чиқиши учун тақдим этди. Ширкатлар таклифга қўшилди, 2017 йилги режа ва смета лойиҳаларининг яқиний вариантини ишлаб чиқишда «Берёза» янги тарифлардан келиб чиқди. 3 та ХУМШда у умумий майдонининг 1 м² учун 530 сўмини ташкил этди. Тўртинчисида – 1 м² учун 650 сўм, сабаби унга кирувчи 9 қаватли уйни сақлаб туриш кўпроқ харажат талаб қилади.

4 та ширкатнинг ҳар бири учун БК 2016 йилда бажарилган ишлар ҳақида ҳисоботлар, йиғилишда тасдиқланган 2017 йилги ишлар режалари, даромадлар ва харажатлар сметалари лойиҳаларини алоҳида тайёрлади.

Ҳар битта ХУМШ учун ҳужжатлар пакетига ҳисобот, режа

ва смета лойиҳаларидан ташқари 2017 йилда ишларни бажариш жадаллари; умумий мол-мулкни сақлаб туришга мажбурий бадал таркиби; ширкатларни 5 йиллик молиялаштиришнинг намунавий ҳисоб-китоби; БК техник ходимлари бажарадиган ишлар режаси ҳам тайёрланди. Шуниси аҳамиятлики, ҳамма ҳужжатлар барча учун тушунарли қилиб ишлаб чиқилган, исталган киши уларни ўқиб англаши мумкин.

Бошқарувчилар ҳисобот бердилар

БК тўлиқ хизмат кўрсатадиган 4 та ширкатнинг ҳаммаси ҳақида гапирмаймиз, биттасига – «Азиз Обидов» ХУМШга тўхталиб ўтаимиз. Унинг базасида тузилган тўққиз қаватли уйда 144 та квартира, 8 та лифт бор. 2016 йилда бадалнинг миқдори 1 м² учун 460 сўмини ташкил этган. Қўлинган иш ҳисобини бераркан, «Берёза» директори Валентина Азимова 2016 йилда ширкат ҳисобрақамига 76 737,9 минг сўм (турар жойлар ва нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари, уяли алоқа ускунаси учун жойини ижарага беришдан, лифтлардаги рекламадан олинган даромадлар) келиб тушганлигини қайд этди. Фуқароларнинг олдиндан тўлови ҳисобига бу режалаштирилган ҳисобланмалардан (47 431,2 минг сўм) 2 306 минг сўмга кўндир. ХУМШдаги юксак тўлов интизоми – тўламайдиган фуқаролар билан йўлакбошиларнинг иши натижаси. Умумий йиғилиш қарори билан бу моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

2016 йилда ширкат 110 млн сўм кредит олди. У ертўла, канализация, йўлакларни таъмирлашга, ҳудудни бетонлашга сарфланди. Ертўлани таъмирлашни туғатишни баҳорга қолдирдилар. Бироқ пудратчиға пул ўтказдилар, материалларни сотиб олдилар. Утган йили ХУМШ аъзоларининг депозит ҳисобрақамидagi жамғармалари ҳисобидан 14 млн сўм қарз маблағларини қопладилар.

Умумий фойдаланиш жойларидаги (йўлаклар, ертўлалар, лифтлар + насослар, дреплардан фойдаланиш) электр энергияси харажатлари сметада белгиланганидан анчагина ошди. Бунга ободонлаштириш ишлари, шунингдек электр энергиясини тежаш ҳақида ўйламаслик – инсон омили сабабчиси бўлди. Лифтларга хизмат кўрсатишда сметада белгиланган параметрлардан чиқилмади. Ҳудудни ободонлаштириш ишлари сабабли супуриндиларни олиб чиқишга режалаштирилганидан кўп маблағ сарфланди. Ертўлаларга санитарик ишлов бериш, иситиш тизимларини ювиш харажатлари, профилактика таъмирлаш бироқ қимматга тушди. Авария хизматиға ҳам 2,5 баравар кўп тўлашди. БК директори бу масалани ХУМШ бошқарувининг кўриб чиқиши учун киритиш лозимлигини қайд этди. Авария хизматининг бир соатлик иши 42 минг сўмини ташкил этди. Фуқаролар уни керак-қоқрак бўлса ҳам қақирадилар: уйда кран бузилади ёки оқади, прокладкани алмаштириш керак – ширкатга эса уларнинг ҳақини тўлашга тўғри келади. Бу ишлар фуқароларнинг пулига бажарилиши лозим.

Утган йили лифтлардаги 60% эҳтиёт қисмлар алмаштирилди. Материалларга бўлган харажатлар 4 744 минг сўмдан ошди, бу ХУМШ умумий йиғилишининг баённомаси билан

асосланди. Уйдаги лифтлар 39 йилдан буён таъмирланмаган. Қўшни уйдаги лифтида юз берган ФХ сабабли сметага туза-тишлар киритилган. Шу боис хотиржам бўлиш учун уларни тартибга келтиришга қарор қилдилар. Маъмурий харажатлар – раис, бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ, ахборот хизматлари ва банк хизматлари. БК ҳақи шартномага кўра ҳисобланмаларнинг 37%ини ташкил этди. 63%и ширкат тасарруфида қолди. Сметани бажаришда айрим моддаларни қайта тақсимлаш ҳисобига харажатлар даромадлардан ошмади ва смета доирасидан чиқмади.

Харажатлар қисқартирилди. Ниманинг ҳисобига?

2017 йилда умумий мол-мулкни сақлаб туриш бўйича ишлар режаси лойиҳасини муҳокама қилишда Валентина Азимова унга видеокузатув камералари ва уйнинг нур таратувчи рақамини ўрнатишни киритишни таклиф қилди. Утган йилда ширкат видео-камералардан воз кечганди, бугун эса бу ҳақда ўйлаб қолдилар. Биринчидан, бу хавфсизлик масаласи. Иккинчидан, маиший ахлат муаммоси ҳеч ҳал бўлмапти. Қўшнилар уни деразадан улоқтирадилар, ахлатхонагача олиб бормайдилар, йўлаклар олдида, ариқларда тўлаб қўядилар. Уларни қўлидан тутиб бўлмайди. Фуқароларнинг фиғони чиқади: «Тоза тутишга минг уринмайлик, кимлардир бунинг қадрига етмайди». Видеокамералар ўрнатиш зарурати ҳақида участка инспектори ва маҳалла қўмитаси раиси ёқлаб фикр билдирдилар. Камералар ишлаётган, фуқароларга ҳудудда тозалик ва тартибга риоя қилишда, қоидабузарларга таъсир ўтказишда ёрдам бераётган бошқа ХУМШларни мисол қилиб келтирилди. ХУМШнинг умумий йиғилиши уларни ўрнатишга овоз берди. Техник тавсифлари, нархларини ўрганиш учун техник гуруҳни сайладилар. Барча ҳисоб-китоблардан сўнг лойиҳа қайси маблағдан бажарилишини ҳал этадилар.

Ширкатнинг 2017 йилги даромадлари, 83 868 минг сўм (1 м² учун тариф 530 сўм бўлганда) миқдориди бўлиши режалаштирилган. Сметадаги кўпгина бандлар ўтган йилгисидан кам. Масалан, электр энергияси ҳақиға (тежашга қарор қилдилар), чет ташкилотларнинг хизматлари, материалларга харажатлар. Утган йилда дайди мушукларни деб ертўлаларга икки марта санитариявий ишлов берилди. Ҳозир ертўлаларга кулф осилган, бир марта санитариявий ишлов бериш кифоя, бироқ йўлакларга икки марта ишлов бериш лозим. Профилактик таъмирлаш харажатлари ҳам ўтган йилгидан кам, венти́ллар,

зулфинларни алмаштирилди. Лифтларни ҳам тартибга келтирилди, бу йил уларга маблағ сарф қилинмади.

2017 йилда БК бу уйдаги ертўлани капитал таъмирлашни якунлайди. Инсон омили бўлмаганда, лежаклар ҳали хизмат қилиши мумкин эди. Металл қуевурлар тешилган, синдирилган – кимдир электр энергиясини ўғирляпти. Ширкат бу йил кредитни қоплаш ҳисобига 30 912 минг сўм тўлашни керак. Кредит бадал миқдорини оширмай, депозит ҳисобрақамидаги жамғармалар ҳисобидан қайтарилади. Авария хизматиға кам харажат қилиниши белгиланди – бошқарув авария хизмати чақирилганда ким нима учун ҳақ тўлаши кераклигини қўшниларга маълум қилади. Маъмурий харажатлар ҳам ўтган йилгидан кам: кредит маблағларини қайтариш суммаси қисқаргани ҳисобига банк хизматлари ҳақи 4,5 млн сўмга камаяди. Сметада раис, бошқарув, тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ оширилиши назарда тутилган. Илгари ҳамма ҳам рағбатлантирилмас эди. Ҳозир ҳамма яхши ишляпти ва улар тақдирланишга муносиб деб қарор қилдилар.

Нимага пул тўлаяпмиз?

ХУМШ аъзоларига мажбурий бадал миқдори нималардан ташкил топишини аниқ кўрсатиш

жуда муҳим. Улар ҳар бир хизмат қийматини кўришлари, нимага ҳақ тўлаётганликларини билишлари лозим.

Хизматлар учун қатъий белгиланган ҳақ оладиган бошқа бошқарувчи компаниялардан фарқли равишда «Берёза» ҳар йили 1 соатлик иш қиймати, 1 м² майдонга харажатларни ҳисоблаб, хизматларнинг ҳар битта тури калькуляциясини тузади. БК ҳар йили фуқаролар учун сметадаги ҳар бир банд бўйича бадал таркибини қозғоғга чиқариб, якуний умумий йиғилишга тайёрлаб қўяди. Масалан, «Азиз Обидов» ширкатиде электр энергияси (1 м² учун) харажати 32, 86 сўмни, супуриндиларни олиб чиқиш – 2,53 сўмни, ювиш – 3,16 сўмни, авария хизмати – 1,90 сўмни ташкил этади, капитал таъмирлаш 195,35 сўмга, лифтларга хизмат кўрсатиш 60,67 сўмга тушади ва ҳ.к. Ушбу нархлар турар жойнинг умумий майдонига кўпайтирилса, ХУМШ аъзоси белгиланган тарифда умумий мол-мулкни сақлаб туришга ойига қанча тўлаши кераклигини билиб олиш мумкин. Уй ахлида савол юзга келмаслиги учун БК бадал тўлаш ҳақидаги квитанцияға унинг тўлиқ расшифровкасини киритмоқчи.

Муаммоларни муҳокама қилдилар

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўрилди. «Лифтларни тутиб туриш ва уларни сақлаш илгаригидек муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, – дейди Валентина Азимова, – Ўтган

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

йили таъмирлашга кўп пул сарфладик, бироқ фуқаролар уларни ҳеч асрамайдилар. Кўпинча янги фуқаролар кўчиб келган йўлаклардаги лифтвер ишдан чиқади. Улар таъмирлашга киришадилар, ишчилар кабиналарда қурилиш материалларини ташийдилар. Ахир, улар авайланмаса, яна таъмирлашга тўғри келади ёки 9-уйдаги ижарачилар кабинада оғир буюмларни ташийдилар – мотор бузилди. Бу нимаси? «Аваз Обидов» ширкатига лифт ҳаракатини мониторинг қилдик. У 5-10 дақиқа интервали билан куну тун ишлайди. Ижарачилар тун бўйи унда қатнайдилар. Биттаси кўчиб келади, унинг орқасидан 10-15 киши келади.

Болалар ўйин қиладилар, ота-оналари эса бунга эътибор бермайдилар. 2016 йилда ширкат электр энергиясига 5 млн сумдан ортиқ пул тўлади. Бу жуда кўп. Келинг, лифтверларни асраб-авайлайлик, пул тежайлик, ахир бу сизнинг пулингиз.

Ижарачилар – жиддий бош оғриғи. Уй эгалари шартномасиз квартирани ижарага берадилар, демак, ижарачилар вақтинча рўйхатдан ўтмайдилар. Бу ерда ким яшаётгани эгасини қизиқтирмайди, пулини тўласа бас, қўшнилари ҳақида қайғурмайди. Кўпинча биттаси пропискидан ўтади, бутун қишлоқ яшайди. Ҳисоблагич бўлмаса – сув, газ кўп сарфланади, коммунал хизматлар, мажбурий бадаллар тўлашда муаммо юзага келади, чунки томонлар бу масалаларни келишиб олмайдилар. Ахлатни олиб чиқиш масаласини олайлик. Махсустрас ёки хусусий тадбиркор рўйхатдан ўтганлар сонига қараб ахлат қўтиларини ўрнатади: айтилик, битта уйга 2 та қўти. Аспиди эса унда икки баравар кўп одам яшайди. Демак, қўтилар ҳам кўп бўлиши керак. Уларнинг ҳақини пропискидан ўтган фуқаролар тўлайди, қолганлар эса улар ҳисобига яшайди. Супуринди олиб чиқиш билан ҳам худди шундай, майиш ахлат пакетлари уларга қўшилади. Масалан, ойига 2 та машина буюртирамиз, уйда бир талай пропискисизлар бўлса, ахлат 2 баравар кўпаяди. Демак, иккита машина билан иш битмайди, ХУМШ аъзолари ҳаменидан қўшимча харажат қилинади.

Ўтган йили худудни ободонлаштириш, уни бетонлаш бўйича катта ишлар қилдик, гуллар экдик. Айримлар эса итини сайрга олиб чиқади, кўкатларни босиб янчади. Ҳамма уйдаги болалар йиғилиб, экинларни яксон қилиб футбол ўйнайдилар.

Ёш оналар болаларини кузатмайдилар. Ҳовлига чиқишлари билан барини унутадилар: телефондан кўз узмайдилар, болаларни эса ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Биттаси қочиб кетди – бутун ҳовлимиз билан изладик, йўл бўйидан топдик. Шунинг билан олган ҳолда худудни ободонлаштириш ишларига киришиш олдида оналар болаларини қаровсиз қолдирмасликлари учун йўлакбошиларга умумий йиғилиш баённомасини у билан танишиб чиқиш учун тарқатдик. Ҳовлида техника, курувчилар ишлайдилар, йўлаклар таъмирланди. Бунда маҳалла аёллар кенгашининг тарбиявий ишлари зарурлиги аён.

Томни таъмирлагандан кейин уни асраш мақсадида ширкатлар аъзолари уйлارнинг томларида антенналар ўрнатишни тақиқлашга қарор қилдилар. Уларни соябонлар, балконларда тиргаб ўрнатаямиз. Айрим қўшнилар бунга қарши. Бироқ томга шикаст етказсалар, ХУМШ уни таъмирлашга яна пул йиғилишга тўғри келади. Йўлакбошилардан бу умумий йиғилишнинг қарори эканлигини, норозилик билдираётганлар уни бажаришлари шартлигини эътиборларига етказиб қўйишларини сўрайман.

Таклифлар бор

Умумий йиғилиш БК тайёрлаган ҳисоботлар, режалар ва сметалар лойиҳаларини тасдиқлади. ХУМШ аъзолари бир қатор таклифларни муҳокама қилдилар. Улардан бири – квартирани ижарага бераётганда мулкдор, ижарачи ва ХУМШ ўртасида **уч томонлама шартнома** тузиш. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: ким мажбурий тўловларни тўлаши, йўлакни тозалаш, шанбаликларга чиқиш аниқ белгилансин. Ижарачи уйда яшаш ва бошқа қоидалар билан тилхат олиб таништирилиши керак. Квартира эгаси ижарачиларни қўйишдан олдин қўшниларнинг фикрини инobatга олиши ҳам таклиф қилинди.

Таклифлар орасида кўп квартиралари уйда яшаш қоидаларини ишлаб чиқиш, барча йўлакбошиларни моддий рағбатлантириш бор. Улар йўлаклардаги тозалик, ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадалларни ўз вақтида тўлашлари учун жавоб берадилар, яшовчиларни ҳисобга олиш дафтарини тутадилар. Барча таклифлар ХУМШ бошқаруви аъзоларига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.



Тахририят почтасидан

Мени томга қўйинг!



Мен кўп қаватли уйнинг 9-қаватида яшайман. Ёмғир ва қор ёққанда балконида сув ўтиши сабабли соябон ўрнатмоқчи бўлдим. ХУМШ ва уйбоши у ерда яқиндагина томини ямаганлари, турар жойлар мулкдорларининг йиғилишида қоплама шикаст етмаслиги учун ҳеч кимни қўймаслик ҳақида қарор қабул қилинганини рўқча қилиб, мени томга қўйишмаяпти. Соябон ўрнатувчилар томга чиқишлари зарур. Альпинизм ишлари учун ФВВнинг барча рухсатномалари ва гувоҳномаларига эгалар.

Қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ соябон ўрнатиш учун томга чиқа олишим мумкин?

Л.Козлов.

Мавзуйи сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

— Кўп қаватли уйнинг томи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг умумий мол-мулки ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тартиби ХУМШ томонидан белгиланади («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15, 28-моддалари).

Шу билан бирга ширкат умумий мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ва тартиби белгиланаётганда барча аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши шарт (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддаси).

Умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи жой мулкдорининг умумий мол-мулка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушига боғлиқ эмас (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддаси).

Томга чиқиш учун юқоридаги нормаларга ҳавола қилган ҳолда ХУМШ-



га ёзма мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Мурожаатингизга рад жавоби олганда ёки у эътиборсиз қолдирилганда ушбу ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзасидан прокуратурага ёки фуқаролик ишлари бўйича судга шикоят қилиш, умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳу-

қуқини амалга ошириш имконини бериш мажбуриятини ХУМШ зиммасига юклатиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

Тахририятдан. Умумий йиғилиш ширкатнинг олий органидир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддаси). Унинг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорлари ХУМШнинг барча аъзолари учун мажбурийдир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддаси). Яъни камчилик кўпчиликка тобе бўлади. Бунда ширкат умумий мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ва тартиби белгиланаётганда барча аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши шарт (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддаси).

Мазкур вазиятда ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига асосан ширкат таъмирлашдан кейин қопламани сақлаш мақсадида кишиларни унга қўйишни тақиқлаб, томдан фойдаланиш қоидаларини белгиллаган. Агар ХУМШ бунинг аксини қилганда, қонунни бузган ҳисобланарди.

Том — ХУМШ умумий мол-мулкнинг энг қимматга тушадиган қисми. Шу сабабли аксарият ширкатлар томга чиқишни тақиқлаб қўядилар. Акс ҳолда уни яна таъмирлаш харажати ширкат аъзолари зиммасига тушади. Капитал таъмирлашдан кейин томни асраш мақсадида кўп квартиралли уйлар томларидаги антенналарни соябонлар, балконлар таянчларига қўчириш ҳақидаги шахар ҳокимининг қарори қабул қилинган

эди. Амалиётда тўққиз қаватли уйларнинг тепа қаватларида соябонлар томда эмас, балконда туриб ўрнатилади. Раис мулкдорга ана шу вариантни тавсия этиши мумкин.

ХУМШ уй аҳлининг томга чиқишини тақиқлашига яна бир сабаб — техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш. Қоидаларга қўра соябонларни баландликда ишлашга рухсатномаси бўлган мутахассислар ўрнатиши шарт. Бирок кўпинча бу билан тасодифий кишилар шуғулланидилар. Ҳолбуки баландликдаги ишларни бажариш учун жавобгарлик ширкат зиммасида бўлади.

Агар масалага кенг ёндашилса, соябонлар ўрнатиш — қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган баҳсли масала. Ҳозирча ҳеч ким бунга эътибор бермаяпти. Аввалбошдан тўққиз қаватли бинолар соябонларсиз лойиҳалаштирилган. Лойиҳада қуйи қаватларда яшовчиларни ёмғирдан ҳимоялаш назарда тутилган. Демак, уйнинг лойиҳа ечими бузилмоқда. Соябонларни беназорат ўрнатиш мулкдорларининг умумий мол-мулки бўлган фасаднинг архитектура қиёфасини бузади. Бу бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиши (уларга сув ўтиши), қоида ва нормаларни ҳисобга олмасдан ўрнатилган соябонлар уларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин. У қия ўрнатилган бўлса, устига қор тушиши хавфи бор.

Ҳаёт учун хавфли қарз



2016 йил 29 ноябрда Мирзо Улуғбек тумангаз ходимлари сўнги 3 йил, яъни 2014 йилдан 2016 йилгача ҳақ тўлашни талаб қилдилар. Бизда ҳақ тўланганлиги ҳақидаги кеитанциялар бор. Улар компьютердан кўчирмани кўрсатиб, кеитанцияларимиз ҳақиқий эъсалигини айтдилар. Тўлов банк ёки туман газ кассаси орқали ўтган. Биз тўлашдан бош тортдик. Улар мени судга бериб, 2010 йилдан 2016 йилгача қарз ёздилар. Онам 29 ноябрда тумангаз ходимлари келганидан сўнг асабийлашиб, инсульт билан касалхонага тушиб қолди. 4 декабрда эса вафот этди.

Тумангаз ходимлари 2010 йилдан бошлаб қарзни талаб қилишга ҳақлими?

О.Жўраева.

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

– Газ етказиб берувчи ташкилот ходимлари фақат газ ҳақини тўлаш бўйича қарз бўлганда қарзни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шу сабабли ўтган ҳақ тўланган давр учун ҳақ тўламасликка ҳақлисиз. Бундан ташқари, умумий даъво мuddати 3 йилни ташкил этади (ФКнинг 150-моддаси). Агар тумангаз судга мурожаат қилса, ўтган давр учун даъвоси ушбу мuddатни қўллаш ҳақидаги аризангазга кўра рад этилади (ФКнинг 153-моддаси).

Агар тумангаз ходимларининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари онангизнинг вафотига сабабчи бўлган деб ҳисобланганга, кўрсатилган далиллар юзасидан прокуратура органлариға мурожаат қилишингиз лозим.

Суд ишни кўраётганида пул маблағларингиз тумангаз ҳисобрақамига келиб тушмаганлиги ва тегишли материаллар прокурорға топширилиши далили юзасидан хусусий ажрим чиқариш ҳақида ариза беришга ҳақлисиз (ФПКнинг 19-модда-

си). Судда тўлов тўланганлиги ҳақидаги қвитанциялар ва бошқа далилларни (гувоҳлар – қўшнилар, қариндошлар ва бошқаларнинг кўрсатмаларини) тақдим этиш, шунингдек 3 йилдан ортиқ давр учун қарзни тўлаш ҳақидаги тумангаз талабларига даъво мuddатини қўллаш ҳақида ёзма ариза беришингиз зарур.

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.



Луқма

«Зиёфат» кимнинг ҳисобидан?

Пойтахтимизнинг Ҳамид Олимжон майдонидаги кўп қаватли баланд уйларнинг чироқ билан безатилиши қутилмаганда уй аҳли учун муаммага айланди. Янги йил арафасида кечки пайт 16 қаватли уйларнинг юзлаб чироқлари ёниб, байрам кайфияти ва ягона архитектура қиёфасини яратди. Туман ҳукуматининг уйларни безатиш ғоясини уй аҳли мамнуният билан қарши олди. Бироқ улар иллюминация ҳақини ўз ҳамёнларидан тўлашларига тўғри келишини ҳаёлларига ҳам келтирмагандилар. Гап шундаки, ёруғлик конструкциялари уйлардаги умумий электр тармоғига уланган эди. Бу ҳол уйлар истеъмол қилган электр энергияси харажатлари ХУМШ зиммасига юкланишини англатади.

– Конструкцияларни ўрнатаётганда ҳеч ким бизнинг розилигимизни сўрамади, фасаднинг бир қисмидан фойдаланишга ижара шартномаси тузмади, – дейди «Баланд Бино Коммунал» ХУМШ ижрочи директори Нозим Каримов. – Бу янги йил байрамига атаб 2 ҳафтага мўлжалланган тадбир, кейинчалик конструкциялар ўчирилади, деб айтдилар. Туман ҳокимлиги лойиҳасини ҳомийлар амалга оширдилар. Биномизни банк маблағлари ҳисобидан безатдилар. Банкирлар: «Ҳаммасининг ҳақини тўлаймиз, ташвишланманг», – дедилар. Бироқ уйларда 2 ой юзлаб чироқлар порлаб турди, «зиёфат» ким ҳисобидан эканлиги эса номаълум эди. Ёруғлик конструкциялари истеъмол қилган электр энергияси учун ким тўлаши кераклиги ҳақидаги саволга ҳеч ким аниқ жавоб бермади. ЭТҚ эса ҳисоблабчи бўйича ҳақ тўлашни талаб қиляпти. У ўзи ва бировнинг истеъмолини ҳисобга олаётгани ҳеч кимни қизиқтирмапти.

Бизни бу ҳолат қониқтирмаётган эди, – дея давом этади Каримов. – Мустақил равишда ускунани уйнинг электр таъминотидан узиб қўйдик, жанжал бошланди. 2 ой ичида уйимиздаги ёруғлик конструкцияси қарийб 250 минг

сўмлик электр энергиясини истеъмол қилган. Бу фаррошнинг 2 ойлик маоши. Ун олти қаватли уйнинг биттасида конструкция лифтининг электр шчитига улангани сабабли лифт тўхтаб қолди. Бу эса авария ҳолати саналади. Уй аҳли ёруғлик конструкциялари тунда гувиллаб, пириллаши, ухлашга ҳалал бериши, деразаларга ларда тортишларига тўғри келишдан шикоят қилдилар.

Мен Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигига хат билан мурожаат қилдим, у хатимни «Тошшаҳарнур» ДУК туман филиалига жўнатди. Туман ёритиш ходимлари аввалига: «Ахир бу жози-

бадорку, у сизлар учун қилинган!» – дедилар. Тўғри, биз қарши эмасмиз, пойтахтимиз янада сержило ва файзли бўлишини истаймиз. Бироқ бу масалаларни ўз харажатиға зўрға маблағ етказётган ширкатлар ҳисобига ҳал этмаслик керак.

Қатъият билдиришга тўғри келди. Охир-оқибат филиал ходимлари уйимиздаги ёруғлик конструкциясини марказий электр таъминоти тармоқларига улаб қўйдилар. Ўтган 2 ой учун электр энергияси ҳақини тўлаш масаласи ҳал этилмагача қолди. Умуман олганда, «зиёфат» ХУМШ ҳисобидан уюштирилди.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Ўзини ЭТК ходими деб таништирган киши қўшниларга электр ҳисоблагич кўрсаткичларини қиёслаш зарурлиги ҳақида хабарнома топшириб, ўз хизматини таклиф қилган: «Келинг, уни ечиб олиб, кўрсаткичларини қиёслайман, сўнг жойига ўрнатаман. Бу 85 минг сўмга тушади». Ҳисоблагичларни қиёслаш оралигидаги муддат 2 ойдан кейин тугаши керак эди. Кишилар ҳеч қарга бориш керак эмаслиги учун бунга рози бўлай дедилар, кейин фикрларидан қайтдилар: «Шошилиб нима қилдик... Ҳали вақт бор, улгўрамит». Ўзаро муҳокамада ЭТК яхши ишлаётганлигидан, муддат оз қолганини эслатиб турганлигидан мамнун бўлдилар. Вақти келганда электр таъминоти ташкилотига мурожаат қилиб, қиёслашдан ўтказдилар. Тўғри, бу уларга 2 баравар арзон тушди. Энди келаси қиёслашга 4 йил хотиржам юриш мумкинлигини ўйлаб, таскин топдилар.

Бироқ бир неча ой ўтгач, ўша киши яна келди. Такрор хабарнома топшириб, хизматларини таклиф қилди. Қўшнилар ташвишга тушдилар: «Ҳаммасини амалга оширдик, мана ҳужжатлари, нима гап?». У киши ҳисобга олиш дафтарига кўз ташлаб, бунда унинг айби йўқлигини, маълумотлар базасида қиёслашдан ўтказганлик ҳақида ахборот қайд этилганини айтиб, шошганча қайтиб кетди.

Фукорлар ЭТКга бердилар. Абонент бўлимида ҳисоблагич қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақидаги ахборот маълумотлар базасига киритилган-киритилмаганини текширдилар. Маълум бўлишича,

ҳаммаси жойида, ташвишланишга ҳожат йўқ экан. Бўлиб ўтган ҳолат ҳақида ЭТК ходимларига айтиб бердилар, ўзини уларнинг ходими деб таништирган кишини тасвирлаб бердилар. Маълум бўлишича, қўшнилариимиздан бошқалар ҳам уларга худди шу вазият ҳақида оғиз очган эканлар. «У фирибгар, келаси сафар 102 рақамига кўнғироқ қилинг. Доим хизмат гувоҳномасини талаб қилинг ва уни диққат билан ўрганинг», — дея огоҳлантирдилар электр таъминоти корхонасидагилар.

Ҳақиқатан ҳам ўша кишидан ҳужжати талаб қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади — у ҳеч кимда шубҳа уйғотма-

ди. Зеро у берган хабарнома бланкасини ҳозирда компьютерда териб, қозога чиқариш ҳар кимнинг қўлидан келади. Қалбаки ҳужжатни ҳам тайёрлаш осон. Дафтарни кўлга олиб, ҳисоблагичга қараб, кўрсаткичларини ёзиб олиш қийин иш эмас. Яқинда ХУМШ раҳбарларининг биридан ЭТКнинг худди шундай «ҳодими» олдиндан пул тўлаб, электр ҳисоблагични қиёслашга берганларини эшитиб қолдим. Энди эса исзис йўқолди: на ҳисоблагич, на текширувчи бор. Янгисини олиш — ширкат аъзолари ҳамёнидан пул тўлаш зарур. Коммунал хизматлар вакиллари ҳузурингизга келганда, эътиборли бўлинг.

Электр ҳисоблагични қиёслашдан ўтказишда нималарни билиш лозим

1 Ўзини электр таъминоти ташкилоти ходими деб таништирганларнинг хизмат гувоҳномасини текширинг.

2 Тасодифий кишиларнинг ҳисоблагични қиёслаб бериш таклифини қабул қилманг.

3 Қиёслашдан ўтказиш Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми (АВ томонидан 1.12.2015 йилда 2736-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

4 Электр ҳисоблагич 4 йилда 1 марта қиёслашдан ўтказилиши керак.

5 Ҳисоблагичнинг қиёслашлараро интервал муддати тугашидан бир ой олдин ЭТК истеъмолчига имзо қўйдирган ҳолда хабарнома тақдим этади. Истеъмолчи имзолаган иккинчи нусхаси электр таъминоти корхонасида қолиши шарт (Низомнинг 9-банди).

6 Хабарномага қиёслашдан ўтказиш учун белгиланган тариф бўйича тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган тўлов ҳужжати илова қилинади (Низомнинг 11-банди). Унинг учун тўлов истеъмолчи томонидан қиёслашдан ўтказиш ишлари бошлангунга қадар амалга оширилиши лозим (Низомнинг 14-банди). Ҳужжатнинг ушбу бандлари ишламайди. Бироқ абонент улар ижро этилишини талаб қилишга ҳақли.

7 Қиёслашдан ўтказиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, 3 иш куни ичида ҳисоблагични ечиб олиш учун ЭТК томонидан ваколатли ходим юборилади (Низомнинг 18-банди). Ечиб олинмаётганда далолатнома тузилади, унда ҳисоблагичнинг тури, завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси ва унинг ечиб олинган вақтдаги кўрсаткичлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар қайд этилади (Низомнинг 19-банди).

8 ЭТК ходими ҳисоблагични метрология хизматига қиёслаш учун топширади. Қиёслаш 3 иш куни ичида ўтказилади. У ишлатишга яроқли деб топилган тақдирда, метрологлар буни тасдиқловчи сертификат расмийлаштирадилар (Низомнинг 26-банди) ва ҳисоблагични пломбалайдилар (Низомнинг 27-банди).

9 Ваколатли ходим қиёслашдан ўтказилган ҳисоблагични ўрнатиб, унинг клеммник қопқоғини (схемасини) пломбалайди ва истеъмолчига ҳисоблагичнинг қиёслашдан ўтганлиги ҳақидаги сертификатнинг асл нусхасини беради (Низомнинг 36-банди).

10 Ҳисоблагич ўрнатилгандан сўнг, бу ҳақда 2 нусхада далолатнома тузилади. Унда ҳисоблагичнинг тури, завод рақами, унинг ўрнатилган вақтдаги кўрсаткичлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар қайд этилади. Далолатнома ЭТК ходими ҳамда истеъмолчи томонидан имзоланади. Бир нусхаси истеъмолчига берилади, иккинчи нусхаси ЭТКда сақланади (Низомнинг 37-банди).

11 Бирмунча вақт ўтгач, ЭТКда ҳисоблагичнинг қиёслашдан ўтказилганлиги маълумотлар базасига киритилган-киритилмаганини текширишни тавсия этамиз.



Фойдали маслаҳат

Биттаси ёзилган – бошқасини кўрадилар

Баъзида айрим ХУМШ раҳбарларининг журъди, беғамлигини кўриб, қойил қоласиз. Улар уйга хизмат кўрсатиш ишини йўлга қўйиш ҳақида тасаввурга эга эмаслар ёки бу осон иш деб ўйлайдилар. Улар жавобгарлик ҳақида қайғурмай, оқибати нима бўлишини ўйламай, ишга киришадилар. Амалиётнинг кўрсатишича, ХУМШ аъзолари бундан ютмайди. Уйни сақлаб туришни тўғри йўлга қўйишни белгилловчи ҳужжатларни ўқимайдилар, уларга назар ташласалар ҳам, билганча талқин қиладилар. Тушуниб ета олмайдилар ёки тушунишни хоҳламайдилар. Баъзан биттасини ўқиби, бошқасини кўрадилар. Натижада қонунга ва тушунчаларга хилоф, ҳатто ўзбилармонлик билан иш қилинади. Бунда ижобий ўзгаришларни кутиш ўринсиз. Бу аввало уй аҳлида акс этади: ҳамёнларига зарба бўлиб тушади, норозилик келтириб чиқаради.

«Оқ-Qayin Kommunal Servis» ширкатида ижрочи директор умумий мол-мулкни сақлаб туришга мажбурий бадаллар бўйича қарздорларга белгиланган муддатларда қарзни қоплаш зарурлиги ҳақида ёзма огоҳлантириш топширади. Бу яхши иш. Ушбу олдини олиш чорасини аксарият ХУМШлар қўллаб, натижага эришадилар. Бироқ ушбу вазиятда ХУМШ аъзолари қарзни тўламасалар, Президентнинг 11.02.2005 йилдаги ПҚ-5-сон қарорига мувофиқ муддати ўтган ҳар бир кун учун қарз суммасининг 0,1% миқдориди пеня ҳисобланиши ёзилган.

Бироқ ПҚ-5-сон қарорда нима назарда тутилган? Унинг 2-бандида **умумий мол-мулкни сақлаб туриш учун мажбурий бадаллар ҳақида эмас, балки фақат коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш ҳақида сўз юритилган**. Унда белгиланишича, коммунал хизматлар учун ҳақ тўламаган истеъмолчиларга шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун пеня ҳисобланади. Юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4%, аҳолидан эса 0,1% миқдориди, ammo 50%дан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади.

Ушбу бандда мажбурий бадаллар ҳақида сўз юритилмаган. **Умумий мол-мулкни сақлаб туриш учун бадалларни ўз вақтида тўламаганлик учун пеня ундирилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган**. ХУМШ амалиётида мажбурий бадаллар бўйича қарздорлар уларга пеня ҳисобланганда ширкатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиб, унда ютиб чиққан ҳоллар бўлган. ХУМШ ходимлари ва квартиралар соҳибларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи аввалгидек долзарблигича қолмоқда. ХУМШ уюмчалари, қаердасиз? Бу сизнинг ишингизку.

Коммунал тўловларни тўлаш муддатлари ва муддатни ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисобланиши қандай ҳужжатларда белгиланганлигини эслатиб ўтамыз. Дарвоқе, сўнги пайтда коммуналчилар ўтган йиллар учун пеня ундириш ишини жадаллаштирдилар.

Уй-жой кодекси (УК). Кўп квартиралар уйдаги турар жойлар мулкдорлари (ижарага, арендага олувчилар) умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини, кўрсатиладиган коммунал



хизматлар учун мажбурий тўловларни ўтган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўлайди.

Кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, улар кечиктирилган ҳар бир кунга юридик шахслар учун 0,4%, жисмоний шахслар учун 0,1% миқдориди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Агар ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот кўп квартиралар уйнинг коммунал хизматлар буюртмачиси бўлса, уларга пеня миқдорлари бўйича жисмоний шахслар учун белгиланган норма қўлланилади.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар 3 ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, тўхташиб турилади (УКнинг 134-моддаси).

Ушбу коммунал хизматлар кўрсатиш қондасидан (ВМ-нинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган) келиб чиқилса, уларни ўтказиб беришга шартномалар ҳам юқорида кўрсатилган коммунал тўловларни тўлаш муддатларини, улар ўз вақтида тўланмаганда эса – пеня қўлланишини ўз ичига олади.

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

Йилнинг стратегик режаси



Мазкур Давлат дастури Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси каби 5 та устувор йўналишни ўз ичига олади:

- 1) давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- 2) қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- 3) иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш;
- 4) ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- 5) хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш.

Йилнинг Давлат дастурида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 5 блокка жамланган устувор йўналишларини кўриб чиқамиз:

○ макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;

○ таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобида унинг рақобатбардошлигини ошириш;

○ қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

○ иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш;

○ вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва муаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.

Молия бозорини барқарорлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш; миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, шу жумладан инфляция даражасини аниқлашда товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш услубиятини такомиллаштириш; нақд пул муомаласи механизмларини, пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш орқали таъминлаш назарда тутилган. Шунингдек нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш; пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш; аҳоли томонидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган кредит карталарини муомалага киритиш мўлжалланган. Тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун тизимлардан («СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини қисқартириш ҳамда пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш, валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришнинг ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш режалаштирилмоқда. Давлат дастури доирасида саъй-ҳаракатлар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлар, деҳқон хўжалиқларига банк пластик карталаридан фойдаланиш имконини бериш; мазкур субъектларга уларнинг маблағларини тасарруф этишдаги асосий чекловларни бекор қилишга қаратилади. Шунингдек ваколатли органнинг қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ролини кучайтириш ва молия бозорини тартибга солишнинг замонавий воситаларини жорий қилиш; мажбуриятларнинг назорат функцияси эмас, балки қимматли қозғалар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасининг устуворлигини белгилаш; қимматли қозғаларнинг эмиссия қилишни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга эътибор қаратилади. Сугурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шакллари

жорий қилиш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ишлари амалга оширилади.

Солиқ солиш тартибини такомиллаштириш. Дастурда мазкур йўналиш мақсади солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган тақлифлар тайёрлаш эканлиги кўрсатилган. Хусусан, солиқ солиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш; яқка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш жойларини ҳисобга олган ҳолда камайтириш; йирик корхоналарга бўлган солиқ юқини мақбуллаштириш ва пасайтириш бўйича тақлифлар тайёрлаш; яқка тартибдаги имтиёзлар тақдим этилишини қўлламаслик назарда тутилган.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини муваффақиятли равишда модернизация ва диверсификация қилиш учун минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни, шунингдек кўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш лозим. Уларнинг қиймати 40 млрд долларга тенг. Бундан ташқари, умумий қиймати 1 млрд долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини (мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича (63 та лойиҳа), рангли металллар бўйича (6 та лойиҳа), кимёвий хом ашёлар бўйича (2 та лойиҳа), углеводород хом ашёларини қайта ишлаш бўйича (6 та лойиҳа), тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш-




ни кенгайтириш бўйича (9 та лойиҳа), фармацевтика маҳсулотлари (7 та лойиҳа), қурилиш материаллари (29 та лойиҳа), тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари (15 та лойиҳа) ишлаб чиқаришни ошириш ва бошқалар) фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Дастурга иқтисодийнинг базавий тармоқларидаги 4 400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтириш; йирик корхоналарда маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини 8%га қисқартириш. Экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодийнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш; ташқи савдо йўналишларининг халқаро инфратузилмалари билан интеграциялашувига қаратилган дастурини ишлаб чиқиш; экспорт корхоналари учун тарифларни пасайтиришни рағбатлантириш, темир йўл ва ҳаво транспортларида юк ташиш тарифларини оптималлаштириш мўлжалланган.

Капитал қурилишни такомиллаштиришда қурилишда банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳодимлар чекланган йиллик сонини (50 тадан 200 тага) кўпайтириш; тендер савдолари ўтказишда тендер шартларини ўзгариш механизминини такомиллаштириш; лойиҳаларни экспертиза қилиш

тизимини такомиллаштириш; қурилиш ташкилотлари фаолиятини текширишларни ишларни якунлагандан кейингина амалга ошириш; лойиҳаларни молиялаштиришнинг турли замонавий усулларини жорий этиш; тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш бўйича харажатларни камайтириш назарда тутилмоқда.

Темир йўл орқали ташишларни яхшилаш мақсадида «Talgo-250» русумидаги 2 та юқори тезликдаги йўловчи поездини сотиб олиш, Қарши—Термиз, Поп—Наманган—Андижон темир йўл линияларини электрлаштириш, Бухоро—Мискин янги темир йўл линиясини қуриш амалга оширилади.



Алоқа яхшилаш учун 2 300 км оптик толали IMS технологияси асосида модернизация қилинади, мобил алоқа операторларининг 1 843 та база станциялари ўрнатилади, 394 та рақамли телевидение узаткичлари ўрнатилади ва ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича пахта экин майдонларини 49 минг гектарга, ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш, қисқартирилган экин майдонларига картошка (8,1 минг га), сабзавот (27,2 минг га), интенсив боғ (5,9 минг га), тоқзор (2,9 минг га), озуқа экинлари (10,9 минг га) ва мойли экинлар (4 минг га) экиш назарда тутилмоқда. Бу паст рентабелли экин майдонларида экин етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд сўмга қисқартириш; қўшимча 1 млн тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш; 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказишга имконият яратди. Шунингдек мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини 2 баробар ошириш, бунга 2016 йилдагига нисбатан сабзавот (105,7%га), картошка (106,3%га), полиз экинлари (106,1%га), мева (106%га), узум (105,7%га), гўшт (105,6%га), сут (8,1%га), тухум (111,3%га), балик (120%га) ва асал (118,2%га) етиштириш ҳажмларини ошириш орқали эришиш мўлжалланган. Бунинг учун умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларни ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш ҳамда 1 000 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Ер участкаларини ажратиш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш таомилларини соддалаштириш ва жадаллаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг иштирокисиз «ягона дарча» тамойили асосида 1 га дан ортиқ ер майдонларини ажратиш ҳужжатларини тайёрлаш ва ваколатли органлар билан қилишни жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади; аризини кўриб чиқиш жараёнини интерактив кузатиш имконияти яратилади; бино ва иншоотлар майдонларидан келиб чиққан ҳолда уларни хатловдан ўтказишнинг дифференциаллашган муддатлари белгиланади; кадастр органларининг қурилиш ва архитектура, адлия, солиқ ва бошқа органлар билан ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизими жорий этилади; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни қайта рўйхатдан ўтказишда уни тақдирлан хатловдан ўтказиш тақдирланади.

Улугбек Аюбов,
эксперт-юристинимиз.

Импорт ўрнини босиш сари

ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари

Масаланинг назарий жиҳати

Ана шундай бир шароитда, табиийки, ривожланаётган давлатлар томонидан импорт ўрнини босиш механизмларидан фойдаланиш тибора оммалашиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, юқори савдо тўсиқларини қўйиш орқали маҳаллий товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда квота, лицензия ва тарифларни жорий этиш, чет эл маҳсулотлари ўрнига маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишга талаб ўрнатиш, импорт учун валютадан фойдаланишни чегаралаш каби усуллардан фойдаланиш халқаро амалиётда кенг қўлланимда.

Масалан, импорт ўрнини босиш ғояси илк бор XVIII асрда инглиз олими А.Хамилтон томонидан илгари сурилиб, у ўзининг «Саноатчилар ҳақидаги рапорт» асарида бу ҳақда фикр юритган. Унинг ғоясини такомиллаштирган немис иқтисодчиси Фридрих Лист миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида импорт товарларга ҳимоя чораларини жорий этишни ёқлаб чиққан¹. Бунга энг машҳур мисол сифатида протекционизмдан фойдаланишни кўрсатиш мумкин, зеро бу тартибот маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш билан бирга, уларни иқтисодиётнинг умумий ривожланиш доирасида рақобатбардош бўлишга ёрдам беришини ҳозирги амалиётда ҳам учратиш мумкин.

Иқтисодчиларнинг фикрича, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг асл моҳияти мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши зарурати билан изоҳланади. Чунки бундай давлатларга маҳаллий маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, молиявий ва техник ресурсларни жамлаб оладиган локомотив тармоқлар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Мамлакат импорт ўрнини босиш сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали экспортга йўналтирилган миллий модел тизимини шакллантириш ҳисобланади. Яъни ҳар бир мамлакатда унинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда аниқ чора-тадбирларни белгилаб берувчи давлат дастурлари ишлаб чиқилади. Бу дастурлардан қўлланадиган мақсад бозор талабини рақобатбардош маҳсулотлар билан қондириш асосида, давлатнинг импортга боғлиқлигини камайтириш, импорт қилинувчи хом ашё ва энергетик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир.

Мазкур дастурлар мамлакатнинг ма-



Бугунги жаҳон ҳўжалигига интеграллашув жараёниларида импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг мажбурий чорасига айланиб бормоқда. Зеро, бу сиёсатни тўғри ва самарали йўлга қўйиш мамлакатнинг импортга боғлиқлик даражасини камайтириб, иқтисодий барқарорликка эришиш имкониятини вужудга келтиради.

ҳаллий хом ашёлардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга, хусусан, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, давлат бюджети ва аҳоли даромадларини, шунингдек иш билан таъминланганлик даражасини оширишга имкон яратади. Таъкидлаш жоизки, импорт ўрнини босувчи ривожланиш моделининг мамлакат иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий ва салбий жиҳатлари олимлар томонидан ўрганилган².

Ижобий томонлари:

- ✓ миллий маҳсулотлар нархининг хорижий валютага боғлиқ бўлмаслиги;
- ✓ ички бозорда импорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёларга божхона тарифларининг йўқлиги;
- ✓ маҳсулотнинг тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етиб бориши ва уни қалбакилаштириш имкониятининг камлиги ва бошқалар.

Лекин ички бозорда яратилган маҳсулотларнинг чет эл товарлари билан рақобатлаша олмаслиги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятга зарар келтириши мумкин.

Салбий томонлари:

- ✓ мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти замонавий тенденцияларидан ортда қолиши;

- ✓ маҳаллий хом ашёдан самарасиз ва нотўғри фойдаланишнинг юзага келиши;
- ✓ миллий маҳсулотлар сифатининг тушиб кетиши.

Бундай ҳолатлар олдини олиш учун давлатлар мазкур моделни танлашда ҳар томонлама чуқур изланишлар олиб боради. Импорт ўрнини босиш сиёсатининг давлат механизмида асосий урғу макроиқтисодий сиёсат, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, ички ва ташқи бозорда уларни ҳимоялашга қаратилган бўлади.

Жаҳон тажрибасидан

XX асрнинг ўрталарида юқори иқтисодий ўсишга эришган давлатлар иқтисодиётида импорт ўрнини босишга қаратилган сиёсат фаол қўлланилганини кузатиш мумкин.

Хусусан, ўтган асрнинг 50-60 йиллари-

да Латин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётида хом ашё экспортидан тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш сиёсати авж олдирилган. Бунда давлат сиёсати ички босқичда олиб борилиб, дастлаб энгил ва озиқ-овқат саноати, сўнгра оғир саноатни ўзлаштиришга эътибор қаратилган. Масалан, Бразилия, Аргентина ва Мексикада қишлоқ ҳўжалигидан саноатлаштиришга ўтиш орқали саноат маҳсулотларининг ЯИМдаги улуши сезиларли ошишига эришилган.

Лекин, оғир саноатни ўзлаштиришда юзага келган бир қанча муаммолар давлатлар иқтисодиётини ҳам муттасил инқирозга олиб борди. Хусусан, 1970-1980 йилларда Аргентинада олиб борилган импорт ўрнини босиш сиёсати қутилган натижаларни бермади: ички ва ташқи бозорда миллий товарлар хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша олмади, саноатни ривожлантириш учун йўналтирилган маблағлар қопланмай қолди.

Шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлимиш Корея Республикаси, Тайван, Сингапур давлатларида импорт ўрнини босиш сиёсати қисқа муддатда олиб борилган. Бу давлатлар ҳам Латин Америкаси давлатлари сингари биринчи босқичда энгил ва озиқ-овқат саноатини ўзлаштиришган. Кейинги босқичда ички бозор ва оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга боғлаб қўйилган ҳолда экспорт ва жаҳон бозорига катта аҳамият берилган. Мазкур мамлакатларда импорт ўрнини босиш сиёсати аста-секин экспортга мослашган сиёсатга ўта бошлаган. Натижада бу давлатлар қолоқликдан етакчи мамлакатлар сафига қўшилган. Олиб борилган сиёсатни етарлиқ муваффақиятга эришган деб ҳисоблаш мумкин.

Умуман олганда, импорт ўрнини босиш сиёсатини олиб боришда давлат механизмларини тўғри қўллаш, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти даражасига, географик жойлашув ва ташқи бозордаги асосий ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётига боғлиқлигини ҳисобга олиб амалга ошириш зарурдир.

Диёр КАРИМОВ, и.ф.н.
Ҳотамжон ТУРДИБОВЕ,
тадқиқотчи.

Реклама ва эълонлар

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этилиши

Тошкент ш. Миробод тумани
Таллимаржон кўч., 1/1. Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

¹Лист Ф. Национальная система политической экономики. – СПб.: Издание А.Э. Мартенс, 1891. – 452 с.

²Структурная политика государства в механизме экономического роста: учебное пособие. / Ермолаев С.А., Капканщиков С.Г. – Ульяновск: УлГТУ, 2005. 342 с.

Иқтисодий-ҳўқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилиш ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бечими – А3. Ҳажми – 2 босма табек. Баҳоси келишилган нархда.
Бўғиртма 852. Адади 1 205. Газета 2017 йил 6 март соат 19.00 да тошпирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мувожабат қилиш мумкин.